

ЗАМОНАВИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИДА ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ

Сагдиллаева Зулфия Асаналиевна

доцент кафедрасы Экономического анализа

ECONOMIC ANALYSIS IN A MODERN MANAGEMENT SYSTEM

Sagdillaeva Zulfiya Asanalievna

Associate Professor, Department of Economic Analysis

ORCID: 0000-0002-5032-8763

JEL Classification: M1, M4, M49

Аннотация. Замонавий иқтисодий таҳлил корxonани бошқариши тизимида асосий ўринлардан бирини эгаллайди. У халқаро стандартлар талабларига жавоб бериши, ахборот ички ва ташқи фойдаланувчилари талабларини қондириши, ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириши имкониятларини аниқлаши лозим. Шу нарса аёнки, юқорида санаб ўтилган талабларни қондириши учун ахборот тўплаш, қайта ишлаш ва қайд этишининг турли усулларида фойдаланиши зарур.

Иқтисодиётни эркинлаштириши, унда хусусий мулкнинг етакчи ўрин эгаллашини таъминлаш, хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириши, хусусийлаштирилган корxonаларни корпоратив бошқаришини такомиллаштириши шароитида корхона фаолиятининг барча жараёнларида бошқарув ахборотиغا нисбатан холислик, ҳаққонийлик, ўз вақтидалик ва аниқлик каби янги талаблар қўйилмоқда.

Дарҳақиқат, бошқарув жараёни хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятларини тўғри белгилаш, истиқбол йўналишларини оқилона ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади. Бошқариши жараёнининг самарадорлигини оширишда ва уни

ишончли ахборотлар билан таъминлашда бухгалтерия ҳисоби ва таҳлил алоҳида ўрин тутади. Янгича хўжалик юритиши тартиби бухгалтерия ва таҳлили олдига бозор иқтисодиётига хос талабларини қўяди. Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсати бозор талабларига мос бўлиши керак. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилишига алоҳида эътибор бермоқда, унинг усул ва шакллари халқаро стандартларга мослаштирилмоқда.

Республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши ва турли халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилининг жаҳон талаблари асосида юритилишини тақозо этади. Турли мулкчилик шаклларидаги корxonалар эркин рақобат асосида самарали фаолият кўрсатиб, мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўйиши керак. Бу эса корxonаларда мавжуд ишлаб чиқариши ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланишини тақозо этади ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилининг олдига янгича вазифаларини қўяди.

Abstract. Modern economic analysis occupies one of the key positions in the management system of the enterprise. It must meet the requirements of international

standards, meet the requirements of internal and external users of information, identify opportunities to increase production efficiency. It is clear that different methods of data collection, processing and recording are required to meet the requirements listed above.

In the context of liberalization of the economy, ensuring the leading role of private property, radically increasing the share and importance of the private sector, improving corporate governance of privatized enterprises, new requirements are set for management information in all processes of business activity.

Indeed, the management process plays an important role in the correct definition of the activities of business entities, the rational development of future directions. Accounting and analysis play a special role in increasing the efficiency of the management process and providing it with reliable information. The new management procedure places before the accounting and analysis the requirements of a market economy. The entity's accounting policies should be in line with market requirements. That is why Uzbekistan pays special attention to accounting reform, its methods and forms are being brought into line with international standards.

The accession of our country to the world community and membership in various international organizations require that accounting and analysis be conducted in accordance with international standards. Enterprises of various forms of ownership must make a worthy contribution to the development of the country's economy by operating effectively on the basis of free competition. This requires the efficient use of existing production and financial resources in enterprises, and puts new tasks in front of accounting and analysis.

Калим сўзлари. Ишлаб чиқариш харажатлари, давр харажатлари, сотиш харажатлари, таннарх, калькуляция, фойда, зарар, рентабеллик.

Keywords. Production costs, operating costs, selling expenses, cost, calculation, profit, loss, profitability.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодиёти шароитида ҳар томонлама ривожланиши учун самарали хўжалик юриштиши, ахборот технологияларини, барча янги ва замонавий ютуқларни фаол ва изчил тадбиқ этишни муайян иқтисодий таҳлил ишларини амалга оширишни талаб қилади. Бундай шароитларда иқтисодий таҳлилнинг ўрни беқиёс даражада ортиб боради, чунки нафақат қилинган харажатларни олинган даромадлар билан қиёслаш, балки ташкилотлар ва корхоналарнинг ишлаб чиқариш, тижорат ва молиявий фаолиятига қўйилган ҳар бир сўмдан самарали фойдаланиши бўйича мукамал олиб боришни тақозо этади.

Корхоналарда бухгалтерия ҳисобини давр талаби асосида ташкил этиш, маҳсулот таннархини тўғри аниқлаш, ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини янада такомиллаштириш бозор иқтисодиётининг муҳим талабларидандир.

Иқтисодий ислоҳотлар бошланган даврдан буён ўтган вақт давомида республикада иқтисодий ислоҳотлар янги босқичга кўтарилди. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий, шу жумладан харажатлар ҳисоби ва таҳлили соҳасида ҳам бир қанча ўзгаришларни амалга оширишни талаб этади. Шунингдек, кичик бизнесни ривожлантириш орқали хусусийлаштириш жараёнини тезлаштириш, миллий ишлаб чиқаришни шакллантириш ва ривожлантириш, шу билан

бирга ишлаб чиқариш харажатларини ва маҳсулот таннархини камайтириш, унинг таҳлилини ташкил этиш вазифалари белгиланган.

Материал ва метод. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби, уларни бухгалтерия ҳисобида юритиш ва реал секторда маҳсулот таннархини аниқлашни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи таҳлилини ташкил қилишнинг бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари талабларига мос келадиган усуллари ҳамда ташкилий тамойилларини қўллаш масалаларига эътибор қаратилган. Шунингдек, корхоналар фаолиятида харажатлар ҳисоби ва таҳлилини ташкил этишнинг услубий асосларини ривожлантириш бўйича айрим таклиф ва мулоҳазалар берилган.

Бир қатор Ўзбекистонлик ва хорижий олимлар, мутахассислар, жумладан, А.А.Каримов "Бухгалтерия ҳисоби", А.С.Сотиволдиев "Замонавий бухгалтерия ҳисоби", Т.Ш. Шоғиёсов "Комплекс иқтисодий таҳлил", Б.А.Ҳасанов "Бошқарув ҳисоби", К. Друри "Введение в управленческий и производственный учет", Роберт В.И., Томас Л. Албрайт, Жохн В.Ниллар "Managerial information for decisions accounting" ва бошқа илмий асарларида мутахассислар харажатларнинг ҳисоби ва унинг таҳлиliga кенг тўхталганлар, бу ҳақда уларнинг чоп этилган дарсликлари, ўқув қўлланмалари ва мақолаларидан билиб олиш мумкин. Шунга қарамадан мавжуд илмий иқтисодий асарларда ушбу объект бўйлаб илмий йўналиш етарлича ёритилмаган, лекин муаммонинг бугунги

кундаги долзарблигини ҳисобга олган ҳолда, шу мавзунини ёритиш зарурати туғилди.

Бугунги кунда корхона фаолиятининг муҳим кўрсаткичларидан ва унга баҳо берадиган мезон кўрсаткичларидан бири, фойда ва рентабелликдир. Фойдага таъсир этувчи энг муҳим омил бу таннархдир.[2]

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари таннархини таҳлил қилишда бошқарув таҳлилининг энг асосий вазифаларидан бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- Ишлаб чиқариш харажатларини ўрганиш ва уларнинг ҳолатига баҳо бериш;
- Маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича белгиланган режани бажарилиши ва динамикасини назорат қилиш;
- Ишлаб чиқариш харажатларини иқтисодий элементи ва калкуляцион моддалари бўйича ўрганиш ва уларга баҳо бериш;
- Таннархнинг ўзгариши сабабларини аниқлаш ва унга таъсир этувчи омилларни миқдор жиҳатидан ҳисоблаш;
- Айрим турдаги маҳсулот таннархини харажат моддалари бўйича таҳлил этиш;
- Таннархни аниқлаш бўйича мавжуд имкониятларни аниқлаш ва ҳоказо.[4]

Корхона фаолиятининг асосий мақсади фойда олиш унинг миқдорини муттасил ошириб боришдан иборатдир, ушбу ҳол эса чегаравий харажатлар тушунчасини қўллашга сабаб бўлади.

Чегаравий харажатлар (ЧХ) деганда ҳисобланган ва аслида ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан ҳар бир

кўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар.[5]

Корхона бўйича маҳсулот таннархини пасайтириш мақсадида маҳсулотнинг айрим турлари калькуляция моддаларини ҳисобот йилининг режаси, ўтган йил маълумотлари билан таққослаш орқали ортиқча харажатга йўл қўйилиш сабаблари аниқланади ва уларни пасайтириш йўллари белгиланади. Бир хил ихтисосга эга бўлган корхона маълумотлари билан ҳам таққослаш орқали корхонани эришган ютуқ ва камчиликлари аниқланади. Маҳсулот

бирлиги таннархи қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$C_i = A_i / V\Pi_i + B_i$$

Бунда: C_i – маҳсулот бирлиги таннархи;

A_i – доимий харажат суммаси;

$V\Pi_i$ – маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми;

B_i – маҳсулот бирлиги таннархидаги ўзгарувчан харажатлар;

1-жадвал

“А” турдаги маҳсулот таннархига тегишли манбалар

Кўрсаткичлар	Шартли белги	Режа	Ҳақиқатда	Режадан фарқ (+,-)
1.Маҳсулот ҳажми, дона	$V\Pi_i$	6760	6040	-720
2.Доимий харажатлар, минг сўм	A_i	7912	8056	+144
3.Ўзгарувчан харажатлар, сўм	B_i	3800	4100	+300
4.Маҳсулот бирлиги таннархи, сўм	C_i	4970.4	5433.7	+463.3

Маҳсулот бирлиги таннархи:

$$\text{Режа бўйича} = \frac{7912}{6760} + 3800 = 4970.4 \text{ сўм}$$

$$\text{Ҳақиқатда} = \frac{8056}{6040} + 4100 = 5433.7 \text{ сўм}$$

2-жадвал

Маҳсулот бирлиги таннархига омиллар таъсирини занжирли боғланиш усули орқали ўрганиш

Алмашув даврийлиги	Омиллар			Маҳсулот бирлиги таннархи C_i
	$V\Pi_i$	A_i	B_i	

I Режа	Режа 6760	Режа 7912	Режа 3800	Режа 4970.4
II Шартли №1	Ҳақиқатда 6040	Режа 7912	Режа 3800	Шартли №1 5110
III Шартли №2	Ҳақиқатда 6040	Ҳақиқатда 8056	Режа 3800	Шартли №2 5133.7
IV Ҳақиқатда	Ҳақиқатда 6040	Ҳақиқатда 8056	Ҳақиқатда 5433.7	Ҳақиқатда 5433.7

Маҳсулот бирлиги таннархининг режадан фарқи:
 $5433.7 - 4970.4 = +463.3$ сўм

Шу жумладан:

- a) Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши:
 $5110 - 4970.4 = +139.6$ сўм
- b) Доимий харажат суммасининг ўзгариши:
 $5133.7 - 5110 = +23.7$ сўм
- c) Ўзгарувчан харжатлар суммасининг ўзгариши:
 $5433.7 - 5133.7 = +300$ сўм

3-жадвал

Таннархга таъсир этувчи омиллар натижалари

Кўрсаткич	Режа	Ҳақиқатда	Режадан фарқ(+,-)	Шу жумладан		
				Маҳсулот и/ч ҳажми	Доимий харажатлар	Ўзгарувчан харажатлар
Маҳсулот бирлиги таннархи, сўм	4970.4	5433.7	+463.3	+139.6	+23.7	+300

**Бир неча турдаги маҳсулот таннархига омиллар таъсирини куйидаги
усул орқали аниқлаш мумкин**

Маҳсулот тури	Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, дона		Доимий харажатлар, сўм		Маҳсулот бирлигининг ўзгарувчан харажатлари, сўм		Маҳсулот бирлиги таннархи, сўм				Таннарх ўзгариши, сўм			
	T ₀	T ₁	T ₀	T ₁	T ₀	T ₁	T ₀	Шартли №1	Шартли №2	T ₁	Жами	Шу жумладан		
												Маҳсулот ҳажми	Доимий харажатлар	Ўзгарувчан харажатлар
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13 (9-8)	14 (10-9)	15 (11-10)
В	10 000	13 300	12 000 000	20 482 000	2 800	3 200	4 000	3 700	4 340	4 800	+800	-300	+640	+460
С	10 000	5 700	7 500 000	5 750 000	1 850	2 100	2 600	3 165	2 850	3 100	+500	+565	-315	+350
Ва ҳ.к.														

Хўжалик юритувчи субъектлар харажатларининг ўзгарувчан ва доимий харажатларга туркумланиши туфайли муҳим бошқарув қарорларини қабул қилиш имконияти пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам уларнинг тўғри тақсимланиши бошқарув қарорларига билвосита таъсир кўрсатади. Чунки таҳлил натижалари ҳам айнан мана шу кўрсаткичларга боғлиқ.

Кўпгина манбаларда у ёки бу харажат элементини тўғридан – тўғри ўзгарувчан ёки доимий харажат сифатида баҳолашади. Лекин шуни ёдда тутиш керакки, бир хил хусусиятга эга бўлган турли харажатлар ўз табиатларига кўра

фарқланишлари мумкин. Масалан, ижара харажатларини оладиган бўлсак, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг бирданга катта ҳажмга ўсиши ижарада бўлган станокларнинг кўпайишига олиб келиши ёки бир неча сменада иш ташкил қилиниши натижасида тайёр маҳсулотнинг кўпайиб кетганлигидан кўшимча омборнинг ижарага олиниши бунга мисол бўлади. Яъни ишлаб чиқариш маълум бир кўрсаткичга етгандан сўнг бу харажат миқдори ўзгаради ва бундай ижара харажатларини доимий харажат эмас, балки ярим доимий харажат ҳисобланади.

5-жадвал

Харажат моддаларининг классификация хусусиятлари

Харажат моддалари	Ўзгарувчан	Доимий	Ярим доимий, ярим ўзгарувчан
Хомашё харажатлари	+		
Нефт маҳсулотлари			+
Технологик мақсадлар учун ёқилғи ва энергия	+		
Иш ҳақи	+	+	
Амортизация		+	
Солиқ, йиғим ва бошқа мажбурий тўловлар		+	+
Жамоавий эҳтиёжлар учун ажратмалар	+	+	
Асосий воситалар ремонтлари ва уларга хизмат кўрсатиш			+
Ёрдамчи хўжаликларнинг иш ва хизматлари	+		+
Бошқа харажатлар		+	+
Бракдан йўқотишлар			+
Умумишлаб чиқариш харажатлари		+	+
Умумхўжалик харажатлари		+	+

Уларни тўғри тақсимлай олиш жуда катта аҳамиятга эга, чунки ўзгарувчан ва доимий харажатлар тўғрисидаги маълумот корхона фаолиятининг кўп жиҳатларида керак бўлиши мумкин. Масалан, ярим тайёр кўринишга эга бўлган хомашёларни корхонанинг ўзида ишлаб чиқариш ёки четдан сотиб олиш кераклиги қарорни айнан шу компонентга кетадиган ўзгарувчан харажатларни ҳисоблаш орқали ҳулоса чиқариш мумкин. Агарда ярим тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш учун кетадиган ўзгарувчан харажатлар уни четдан харид қилгандаги харажатга нисбатан кўп бўлса, у ҳолда бу ҳомашё четдан ярим тайёр ҳолатда харид қилинади. Агарда аксинча бўладиган бўлса, у ҳолда корхонанинг ўзи бу компонентни ишлаб чиқариш учун қарор бериши мумкин.

Яна бир ўзгарувчан ва доимий харажатларнинг таҳлили орқали ҳал этиладиган масала бу бирор маҳсулотни ишлаб чиқаришни давом эттириб кейинги босқичга ўтказишми ёки биринчи, иккинчи босқичнинг ўзида ишлаб чиқаришни тўхтатиб реализация қилиш кераклигини аниқлашдир. Бу муаммода ҳам барча кейинги босқичда маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетадиган ўзгарувчан харажатлар ҳисобга олинади ва уларни ҳисобга олмай туриб сотилиш қиймати билан солиштирилади. Биринчи ҳолатда ўша харажатларни қилган тақдирдаги даромадимиз ярим тайёр ҳолатдаги маҳсулотни сотишдан тушадиган тушумдан сезиларли даражада юқори бўлади ва бу ҳолатда корхона ишлаб чиқаришни сўнгги босқичгача амалга оширади. Иккинчи ҳолатда эса тайёр маҳсулот билан ярим тайёр кўринишдаги маҳсулотимизнинг сотиш

нархлари ўртасидаги фарқ маҳсулотни тайёр кўринишга келтириш учун кетадиган ўзгарувчан харажатлардан кичик бўлади. Бу ҳолатда бўлса, хўжалик юритувчи субъект учун маҳсулотни ярим тайёр ҳолатда сотиш мақсадга мувофиқроқдир. Бунда бозордаги аҳволни синчиклаб ўрганиб чиқиш зарурий шартдир, чунки корхона ўз маҳсулотига у тайёр кўринишда бўладими, ёки ярим тайёр кўринишдами олдиндан харидорлар топиши ва шартнома орқали муносабатларни ўрнатиши лозим. Кейингина айнан мана шу шартномалар асосида керакли даражадаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш имкони пайдо бўлади.

Ҳулоса. Корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархини пасайтириш ва самарали бошқариш таннарх аниқлашнинг замонавий тизимларини амалиётга жорий қилишни тақозо этади.

Хорижий тажрибанинг амалиётга жорий қилиниши ва янги чоп этилаётган адабиётларга назарий кўникмаларининг киритилиши бизнинг фикримизча харажатлар ҳисоби ва таҳлилини ривожлантиришнинг зарурий мезонидир. Хориж тажрибасини ўрганган ҳолда, маркетинг фаолиётида бошқарув қарорларини қабул қилишда харажатлар таҳлилидан олинган маълумотлардан чуқур фойдаланиш. Бир неча турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарда ҳам зарарсизлик коэффицентларини ҳисоблаб чиқиш ва шу орқали ҳар бир маҳсулот турининг зарарсизлик нуқтасини топиш.

Маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархини ҳисоблаш бўйича Низом хўжалик фаолиятини юритувчи тармоқлар бўйича ихтисослашуви жуда керакли тадбир

ҳисобланади. Чунки савдо, ишлаб чиқаришнинг турли кўринишлари ўзида юзага келадиган харажатлар хусусиятларининг хилма-хиллиги билан фарқланади. Шу туфайли ушбу Низомни

турли тармоқларга ихтисослашга асосларини яратиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. А.Каримов, Ф.Исмоилов, А.Авлоқулов “Бухгалтерия ҳисоби” Т.: “Шарқ” 2004
2. А.С.Сотиволдиев “Замонавий бухгалтерия ҳисоби”, Т.: ЎБАМА – 2004
3. Ш.Т.Эргашева “Бухгалтерский учет”, Т.: “Иқтисод-Молия”, 2010
4. Т.Sh Shog`iyosov “Kompleks iqtisodiy tahlil”. Darslik. Т.:2012
5. К. Друри “Управленческий и производственный учет” М.: ЮНИТИ-ДАНА. 2003 год
6. Роберт В.И., Томас Л. Албрайт, Жоҳн В.Ниллар “Managerial information for decisions accounting” 2009 йил
7. Ж.Авис, Л.Бурке, К.Вилкс “Management accounting – decision management” 2008 йил
8. www.cbu.uz
9. www.finance.uz
10. www.iqtisodiyot.uz
11. el.tfi.uz
12. www.infoman.uz